БИЛИБ ҚЎЙКИ, СЕНИ ВАТАН КУТАДИ — 2-бет
«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ — 3-4-5-бетлар
ЯХШИ ҚЎШИҚЛАР КЎПАЯВЕРСИН — 7-бет
ОРОМГОҲЛАР ЧОРЛАЙДИ — 8-бет

ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 131 (10.184) / 2004 ЙИЛ 9 ИЮЛЬ

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА сатрларда

● **КЕЧА** Сергели туманидаги Шукур Бурхонов маҳалласида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғриси-да»ги Фармонини бажаришга бағишланган йиғилиш уюштирилди.

● **БУГУН** «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида Яккасарой туманидаги Бобур маданият ва истироҳат боғида уюштирилган кўчма оммавий спорт ўйинларида «Туркистон», «Конституция», «Ракат» маҳаллалари ёшлари иштирок этишди.

● **ЎТГАН** куни Чилонзор туманидаги Педагогика ўқув юртида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон-либерал демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан партиянинг мақсад ва вазифаларини тарғиб-ташвиқ қилиш ишларини амалга оширишнинг чораларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

● **ФУҚАРОЛИК** жамиятини ўрганиш институтида ўтказилган семинар-тренингда «Адолат» социал-демократик партиясининг жорий йил декабрда бўладиган сайловга тайёргарлиги масаласи муҳокама қилинди.

● **МЕҲР** ва мурувват йили муносабати билан 23-Меҳрибонлик уйида уюштирилган хайрия тадбирида Чилонзор туман ҳокимлиги, «Нўғойқўрғон» маҳалласи фаоллари ҳам иштирок этишди.

● **ЮНУСОБОД** туманида туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан КЕЧА тумандаги 67 та мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари иштирокида ўтказилган кўрик-танлов «Севимли ўйинчоқ» деб номланди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

## МАЖМУА ЙИҒИЛИШИ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуининг йиғилиши бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.Иномова бошқарган йиғилишда тегишли вазирлик, идора ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари қатнашди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг шу ҳақдаги қарорининг изчил бажарилишини таъминлаш борасидаги масалалар кўриб чиқилди.**

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибиятлари ҳамда мажмуа тасарруфидаги ташкилотларнинг шу йилнинг олти ойи давомидаги фаолияти натижаларига якун ясалди.

Вазирлар Маҳкамаси Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуи котибияти мудири Т.Норбоеванинг, шунингдек, ҳокимлик ва вазирликлар, идора ва ташкилотлар раҳбарларининг ахборотлари тингланди.

Йиғилишда таъкидланганидек, мамлакатимизда оилаларни мустаҳкамлаш, соғлом оилани шакллантириш, оилалардаги барқарор ижтимоий-маънавий муҳитни қарор топтириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Республикада оналар ва болалар ўлими кўрсаткичларининг камайиб бориши, аёлларнинг туғруқ ёши таркиби яхшиланиши кузатилмоқда. Туғиш ёшидаги аёлларнинг 81 фоизи тиббий кўрикдан ўтказилди, экстрагенитал касаллиги мавжуд аёллар соғломлаштирилди.

Ҳисобот даврида жойларда оилаларни мустаҳкамлаш юзасидан олиб борилган ишлар натижасида никоҳдан ажралишлар, никоҳ ёшини қисқартириш ҳолатлари камайди. 72 минг 489 нафар аёл иш билан таъминланди.

Хотин-қизлар ва болалар ўртасида спорт-соғломлаштириш, маънавий-маърифий йўналишдаги тадбирларни амалга ошириш, кам таъминланган оилалар, етим болаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш юзасидан «Соғлом авлод учун», «Сен ёлғиз эмассан», «Маҳалла», Болалар жамғармалари, хотин-қизлар қўмиталари, «SOS-Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмаси томонидан салмоқли ишлар амалга оширилаётир.

Йиғилишда «Меҳр ва мурувват йили» дастурида белгиланган вазифаларни бажариш борасида ҳам муайян натижаларга эришилгани таъкидланди. Хусусан, кам таъминланган оилалар, ногиронлар, боқувчисиз қолган фуқаролар, ота-онасидан жудо бўлган болаларнинг ижтимоий ҳимояси янада кучайтирилди.

Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш юзасидан ҳаётга татбиқ этилаётган мақсадли дастур ижросига жиддий эътибор қаратилди.

**Т.БОТИРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири**

*2004 — Меҳр ва мурувват йили*

## МАФТУНКОР РАНГЛАР ДУНЁСИ

**Мамлакатимизда Марказий Осиё болаларининг «Мафтункор ранглар дунёси» мавзуидаги бадиий кўргазмасини ташкил этиш яхши анъанага айланган. Ҳар йили Ватанимизнинг истиқлол байрами арафасида якунланадиган ушбу кўрик-танлов бу йил тўққизинчи марта ўтказилади.**

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан эълон қилинган Меҳр ва мурувват йилида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги «Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат хайрия жамЗғармаси, Ўзбекистон ногиронлар жамияти, Бадиий академия, Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, «Ёнграг» халқаро хайрия жамғармаси каби ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилаётган бу галги тадбир янада кўтаринки ва юксак савияда ўтиши кутилмоқда.

Тадбир доирасида тиббий кўмакка муҳтож болалар юртимиз ҳамда хорижнинг етакчи шифокорлари кўригидан ўтказилади, зарур ҳолатда даволаниб, таянч-ҳаракат воситалари билан таъминланади. Ногиронлик масалаларига бағишланган халқаро илмий семинарда эса дардманд кишиларни тиббий-ижтимоий ҳимоялаш борасида эришилаётган ютуқлар, бу соҳадаги янги илмий ишланмалар ва уларни қўллаш атрофлича муҳокама этилади.

Болалар байрамига айланажак ушбу тадбирда юртимизнинг таниқли мусаввирлари билан учрашувлар, суратлар кўргазмаси, эстрада юлдузларининг бадиий дастурлари намойиш қилинади.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

## «ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» КЎРИК-ТАНЛОВИ

**Республика «Тасвирий ойина» ҳамда Журналистлар ижодий уюшмалари Мустақиллигимизни васф этувчи асарлар учун эълон қилган анъанавий «Энг улуғ, энг азиз» кўрик-танлови давом этмоқда.**

Унда ижоднинг барча соҳа вакиллари мамлакатимиздаги бунёдкорлик сурурини акс эттирувчи асарлари билан иштирок этиши мумкин.

Кўрик-танлов истиқлолимизнинг 13 йиллиги арафасида якунланади.

Ижодий ишлар шу йилнинг 10 августига қадар қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

**Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй, Республика «Тасвирий ойина» ҳамда Журналистлар ижодий уюшмалари.**

**Телефонлар: 144-57-24; 144-37-87.**

**Юнусобод туманининг Юнусобод маҳалласида “Турсунбой ота” гузари қурилиб фойдаланишга топширилди.**

## ЯНГИ ГУЗАР ОЧИЛДИ

Азал-азалдан маҳалла халқимизда тарбия ўчоғи сифатида қадрланади. Шунинг учун юртимиз раҳбари ташаббуси билан фуқароларни ўзини-ўзи бошқарувининг муҳим жамоатчилик органи — маҳалла мавқеи қайта тикланмоқда. Маҳалла нуфузини ошириш, маҳалла оқсоқоллари ва фаолларининг ҳуқуқини кенгайтириш борасида талай ишлар қилинди. Пойтахтдаги Юнусобод маҳалласи энг катта маҳаллалардан бири ҳисобланади.

Бу ерда 3,5 мингдан ортиқ аҳоли, 700 та оила истиқомат қилади. Бошқа маҳаллаларда бўлгани каби бу ерда ҳам ободончилик ишларига катта эътибор қаратилган. “Турсунбой ота” гузарининг қурилиб фойдаланишга топширилганлиги бунга яққол мисол бўла олади.

Бундан буён бу ҳашаматли бино маҳалла аҳлининг тўй-маъракалари учун хизмат кўрсатади.

**Инобат ЭГАМҚУЛОВА,**
**“Туркистон-пресс”**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● **Тошкент вилояти ғаллакорлари давлат қабул пунктларига 239.700 тоннадан ортиқ сара дон етказиб бериб, шартнома-режасини бажардилар.**

● **Кеча пойтахт вилоятининг Янгийўл туманидаги Қишлоқ хўжалик техникалари ва технологияларини синовдан ўтказиш ҳамда сертификациялаш давлат марказида Россия Федерациясининг «Агромашхолдинг» компаниясида ишлаб чиқарилган ҳайдов тракторлари ва ғалла ўриш комбайнларининг кўргазмаси бўлиб ўтди.**

● **Қашқадарё вилоятидаги касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига диплом топшириш маросимлари бўлиб ўтди. Ушбу тадбирларда 55 та коллежда таълим олган 11 минг нафардан зиёд битирувчига диплом топширилди.**

● **«Сарбонтекс» Ўзбекистон-Британия қўшма корхонаси ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобидан 600 та янги иш ўринларини ташкил этмоқда. Уларнинг кўпчилигини хотин-қизлар эгаллайди.**

● **Кармана туманини Навоий шаҳри билан боғловчи, Тошкент-Бухоро автомагистралини вилоят марказига туташтирувчи 10 километрлик йўлда таъмирлаш ишлари бошланди. Режага кўра, энди йўлнинг кенглиги 40 метргача етади.**

### Жаҳонда

● **АҚШнинг амалдаги Президенти Жорж Буш ва бўлғуси сайловлардаги унинг рақиби демократ Жон Керри бугунги кунда ғалаба қозониш учун тенг имкониятларга эга эканлиги New York Post газетаси CBS телеканали билан ўтказган ижтимоий тадқиқот натижаларига кўра маълум бўлди.**

● **Ўтган куни кечқурун Ироқ жангарилари Филиппин фуқаросини гаровга олганидан сўнг Филиппин ҳукумати Ироққа ўз ҳарбий хизматчиларини юборишни вақтинча тўхтатиб туришга қарор қилди.**

● **Австрия Президенти Томас Клести 72 ёшида шифохонада буйрак хасталиги оқибатида ҳаётдан кўз юмди.**

● **Бухарестдаги компанияларнинг бирида йирик ўғрилик содир этилди. Маълумотларга кўра, компанияга тегишли зирҳли машина ҳайдовчиси Ник Петро машинасига жойлаштирилган 100 миллиард лей (300 миллион доллар)ни керакли манзилга олиб бормаган. Айтишларича, бу аср ўғирлиги бўлиб қолиши мумкин.**

## Сўранг, жавоб берамиз

**Фуқаролар ўзларининг қадр-қимматларини қонун йўли билан қандай ҳимоя қила оладилар?**

**М.Абулқосимов, ишчи**

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг фуқаро шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш ҳақидаги 100-моддасига биноан: «Фуқаро ўзининг шаъни, қадр-қимматига путур етказувчи маълумотлар юзасидан уларнинг ҳақиқатга тўғри келишини исботлай олмаса, суд йўли билан раддия талаб қилишга ҳақли» деб белгилаб қўйилган.

* * *

**Уй-жой мулкдорлари ширкатлари давлат томонидан қўллаб-қувватланадими?**

**Х.Тўйчиев, пенсионер.**

Давлат ширкатларнинг ҳуқуқларига риоя этилиши ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди, уларнинг ривожланиши ва мустаҳкамланишига кўмаклашади.

Ширкатлар фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

уй-жой соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва стандартлар ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

уй-жой коммунал хизматларига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш;

умумий фойдаланишдаги объектлардан фойдаланиш шартларини белгилаш;

уй-жой коммунал хизматлари кўрсатиш бўйича танловлар ўтказиш асосида рақобатни ривожлантириш учун шароитлар яратиш;

ширкатлар фаолиятини юритиш учун қонун ҳужжатларига мувофиқ бериладиган компенсациялар, имтиёзлар ва кредитларни таъминлаш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чора-тадбирларни кўриш.

* * *

**Эшитишимча, айрим уй бекалари кир ювиш учун чиқарилган кукун-порошоклардан идиш-товоқ ювишда фойдаланишар экан. Лекин бу жуда зарар дейишади, айримлар эса ҳеч қандай зарари йўқлигини айтишади. Қай бири тўғри?**

**С.Маърупова, уй бекаси**

Маълумки кир ювадиган кукунлар бир неча хил кимёвий моддалардан тайёрланади. Шулардан бири кўпик ҳосил қиладиган модда. У ёғ ва чиркни яхши кетказади.

Лекин махсус текширишлар бу бирикмаларнинг ювилган нарсадан кетиши қийинлигини кўрсатган. Шулардан айрим моддалари идиш-товоқларни ҳатто 8-9 марта қайта-қайта ювиб, чайса ҳам кетмаган. Идишда қолган кукун юқи киши организмига салбий таъсир этади. Шундан хулоса чиқариб, кир ювиш учун чиқарилган кукундан идиш-товоқ ювишда зинҳор фойдаланиш мумкин эмас дейишимиз мумкин.

Идиш-товоқни, айниқса, ёғли идишларни истеъмол содаси, совун ёки горчица уни қўшилган сувда ювиб, икки марта чайишнинг ўзи кифоя қилади.



*Тадбирлар*

## ҲАЁТГА ЙЎЛЛАНМА

**Маълумки, шаҳримиздаги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасига қарашли коллежларда битирувчиларга дипломларни топшириш тадбирлари бўлиб ўтмоқда.**

Тошкент Мелиорация ва сув хўжалиги касб-ҳунар коллежида ҳам ана шундай тадбир тантанали тарзда ўтказилди. Унда юз-кўзларидан ҳаяжонлари шундоққина сезилиб турган 369 нафар йигит-қизлар, уларнинг меҳрибон устозлари, кўнгиллари фахрга тўлган ота-оналар ҳамда кўплаб меҳмонлар қатнашди.

Битирувчиларни қутлар экан коллеж директори Сафо Вафоев уларнинг мустақил юртимизга муносиб ўғил-қизлар бўлиб камол топишларига ишонч билдирди.

Битирувчиларнинг 42 нафари имтиёзли диплом олишди. Ёшликнинг олтинга тенг бу даврларида уларнинг орзулари янада юксак. Ушбу коллежнинг бухгалтерия ҳисоби мутахассислигини битирган ёшлардан бирини суҳбатга тортдик.

*** Озода РАҲМОНОВА, қизил диплом соҳибаси:**

— Бугунги кун асло эсимдан чиқмайди. — Тенгдошларим каби доимо янгиликка интилишим, чуқур билим олишга ҳаракатларим самарасини кўриб турибман. «Ёшликда олинган билим тошга ўйилган нақш» деб халқимиз бежиз айтмаган. Эндиликда олий ўқув юрти талабаси бўлиш учун ҳаракат қиламан.

Қўлларига диплом олган ёш йигит-қизларнинг орзулари ойдин, режалари улкан. Ҳаёт деган катта уммонда ўзларининг ёруғ ва чароғон йўлларини топиб олишларида уларга омадлар тилаб қоламиз.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

**СУРАТЛАРДА: коллежда ўтган тадбирдан лавҳалар.**

**Владимир Гранкин олган суратлар.**



*Учрашувлар*

## ЖУРНАЛИСТЛАР МАСЪУЛИЯТИГА БАҒИШЛАНДИ

**Куни кеча Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида Олий Мажлис ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ўтказиладиган сайловларнинг оммавий ахборот воситалари томонидан ёритилиши масаласига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиздаги мавжуд газета, журнал, телевидение ва радио журналистлари иштирок этишди.**

Ушбу тадбирдан оммавий ахборот воситалари орқали Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонунлари билан кенг жамоатчиликни яқиндан таништириш, сайлов кампаниясига холисона ёндошиш, сайловолди жараёнларини тезкорликда ёритишда ОАВ фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш каби масалалар бўйича тажрибаларини оммалаштириш ва тушунтириш каби мақсадлар кўзланди.

Юқоридаги мавзулар бўйича сўзга чиққан Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг лойиҳа раҳбари, Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари Сайёра Хўжаева, профессор Файзулла Мўминов, лойиҳа раҳбари Хайрулла Рўзметов ва бошқалар бўлиб ўтадиган сайловларнинг ташкилий ҳуқуқий хусусиятлари ҳақида алоҳида тўхталиб, журналистларнинг сайловчилар олдидаги ижтимоий масъулиятини ошириш ҳамда матбуот ва оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш масалалари ҳақида ҳам сўз юритишди.

Давра суҳбати иштирокчилари сайловолди ташвиқотларида сиёсий партиялар ва газеталар, электрон-оммавий ахборот воситалари фаолиятининг хусусиятлари ҳақида ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Бу ўринда асосий эътибор ОАВ саъй-ҳаракатларининг тезкорлиги, техник жиҳозланиши ва ҳамкорлигига қаратилди.

Шунингдек ушбу тадбирда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти қошида ташкил этилган «Парламент журналистлари клуби»нинг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди ҳамда сайловларга бағишлаб ёритилган энг яхши материаллар учун танлов эълон қилинди.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

*Таълим*

## СЕРТИФИКАТЛАР ТОПШИРИЛДИ

**Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сонли қарорига мувофиқ бюджетдан ташқари маблағлар ишлаб топиш ва бу маблағларни ўзининг моддий-техника базасини ривожлантириш бўйича мактабларда олиб борилаётган ишларни жонлантириш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги Иқтисодиёт бош бошқармаси ташаббуси билан 2004 йил 30 апрелда шаҳар ташаббускор ишчи гуруҳи ташкил этилди.**

Ушбу ишчи гуруҳи аъзолари Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси, педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг масъул ходимлари, оммавий ахборот воситалари, банк ходимлари, мактаб директорлари ва ҳисобчиларидан ташкил топган. Ташаббускор ишчи гуруҳининг асосий мақсади умумтаълим мактабларида бюджетдан ташқари қўшимча маблағлар топиш учун ишни нимадан бошлаб, бозор иқтисодиёти шароитида таълим соҳасида қайси йўналишда пуллик хизматлар кўрсатиш кераклигини ўргатиш, тадбиркорлик, ишлаб чиқариш усулларини белгиланган тартибда ривожлантириш, уларнинг ҳисобига мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқитувчиларни моддий рағбатлантириш, уларга қўшимча дарс бериш эвазига билим савиясини янада ошириш, фойдали иш билан банд қилиш ва уларга доимий равишда амалий ёрдам бериб боришдан иборат. Ҳозирги кунда дастур бўйича муайян ишлар олиб борилмоқда.

Дастурга мувофиқ май ойидан бошлаб педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти қошида тасдиқланган жадвал асосида юқоридаги масалалар бўйича тажрибага эга бўлган мактаблар негизида барча мактаб директорлари ва маркетинг бўлими бошлиқлари уч кунлик курсларда, амалиёт билан биргаликда ўқитилди. Июль ойидан бошлаб эса мактабларнинг ҳисобчилари ҳам малакаларини ошириш бўйича ўқув курсларида таълим олишмоқда.

Яқинда Ҳамза туманидаги 307-мактабда семинар тренинг бўлиб ўтди. Унда ўқув курсини тамомлаган Юнусобод туманидаги мактаблар директорларига сертификатлар топширилди. Шунингдек, анжуманда энг илғор мактаблар директорлари амалиёт ўтказиб, ўз иш тажрибаларини ўртоқлашдилар.

**Дилором ИКРОМОВА**

*Санъат*

## МУХЛИСЛАРГА МАНЗУР СТУДИЯ

**Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Баёт» халқ санъат студияси ташкил топганига 20 йил бўлди. Ўтган шу давр мобайнида студия ранг-баранг концерт дастурларини тайёрлаб, мухлисларга тақдим этди.**

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Азим Азизов бадиий раҳбарлигида «Баёт»чилар қатор чет эл гастролларида бўлдилар. Англия, Франция, Италия каби хорижий мамлакатларга уюштирилган ижодий сафарлар ҳам студияга катта илҳом бағишлади.

Туркиянинг Анталия шаҳрида ўтказилган халқаро ёшлар фольклор-ракс фестивалида эса студия махсус мукофотни қўлга киритди.

«Ўзбекистон — гуллар ўлкаси» деб номланган янги концерт дастури эса Ўзбекистон маданият ишлари вазирлиги томонидан яхши баҳоланди. Бу томоша билан студия қатор гастролларга боради.

**Ҳамза АБДУЛЛАЕВ**

**ГФР олийгоҳлари хорижий мамлакатлар ёшларининг таҳсил олиши учун кенг имкониятлар ато этади. Бугунги кунда Гёте ва Бетховен ватанида 150 мингдан ортиқ хорижий талаба таҳсил олади ва бу жиҳатдан Германия дунёда учинчи ўринни эгаллайди.**

# ГЕРМАНИЯ ОЛИЙГОҲЛАРИ

Нега айнан ГФР? Бунинг сабаби мамлакат олийгоҳларининг қадимий урф-одатларни замонавий таълим, фан ва техниканинг сўнгги ютуқлари билан уйғунлаштира олганидадир. Бундан ташқари, олий таълимнинг 90 фоизи давлат томонидан молиялаштирилган ва 3-12 фоиз миқдоридаги чет эллик талабаларга белгиланган квота доирасида бепул таҳсил олиш имконияти мавжуд.

Немис университетлари талабалари таълим жараёнини ташкил этишда бевосита иштирок этадилар, зарур фанлар, семинарлар ва амалиёт ўташ муассасаларини ўзлари мустақил танлаш ҳуқуқига эгадирлар. Шу билан бирга, улар бир вақтнинг ўзида учта ва ҳатто ундан ортиқ касб мутахассиси бўлишлари мумкин. Маърузаларга қатнашиш мажбурий эмас, лекин амалий машғулотларни ўтказиб юбормаслик қатъиян тавсия этилади.

ГФРда ўқув йили икки семестрга бўлинади: қишки (октябрдан мартгача) ва ёзги (апрельдан сентябргача). Шу билан бир қаторда, таълим олишнинг икки даври мавжуд бўлиб, улардан биринчиси Германияда "Grundstudium" деб аталади. Икки йил мобайнида талабалар ўзлари танлаган соҳа доирасида таҳсил олишади, имтиҳон топширишади, лекин уларга ҳали диплом берилмайди. Шундан сўнг, талабалар асосий босқич - "Hauptudium"да таълимни давом эттиришади. Бу босқичда талабалар танлаган соҳалари бўйича диплом ишларини ёзадилар ва давлат имтиҳонларини топшириш учун ўз билимларини чуқурлаштирадилар.

Олий ўқув юртлари ҳақида сўз юритадиган бўлсак, замонавий университетларни уч тоифага ажратиш мумкин.

Улардан биринчиси тарихи ўрта асрларга бориб тақаладиган мумтоз университетлардир. Дастлаб уларнинг таркибига фақат фалсафа, тиббиёт ва диншунослик факультетлари кирар эди. Вақт ўтиши билан янги йўналишлар пайдо бўла бошлади, бироқ бу факультетлар етакчи бўлиб қолаверди.

Иккинчи тоифа бу тубдан ислоҳ этиш жараёнида университет мақомини олган техник ва педагогик коллежлардир. Ва ниҳоят, университетларга муқобил тарзда ташкил этилган олий касб-ҳунар мактаблари Германия маориф тизимида муҳим роль ўйнайди.

Гайдельберг, Л.Максимилиан ва Гёте университетлари немис олий ўқув юртлари орасида катта нуфузга эга. Шимолий Рейн-Вестфалия ва Бавария Федерал ерларининг олий ўқув юртлари ҳам юксак баҳоланади.

"Шпигель" ва "Штерн" журналларида мунтазам эълон қилинадиган рейтинг кўрсаткичларига кўра, талабалар техник соҳаларга доир фанларни Ахен, Карлсруэ, Дармштадт ва Мюнхен шаҳарларида ўрганишни афзал кўришар экан. Иқтисод соҳасидаги билимлар Манхайм, Мюнхен ва Кельнда яхши ўқитилади, Гайдельберг, Фрайбург ва Мюнстердаги университетлар эса ҳуқуқшуносликка оид фанлардан таълим беришга кўпроқ ихтисослашган.

**Аслам АКБАРОВ,**
**«Жаҳон» АА**
**Берлин**

## Шарқ дурдоналари

### Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Қаноатсиз одам ҳеч қачон ўзини-ўзи идора этолмайди.

● Қаноатсизлик ақли қисқалик, нодонлик ва ўзбилармонлик.

● Енгил эришилган ғалабаларнинг қадри бўлмайди. Қатъий қаноатлилик билан қўлга киритилган ютуқлар билангина фахрланса арзийди.

● Иродасиз одам ҳаёти давомида турли балоларни ўз бошига ёғилишига йўл очади.

● Энг аччиқ дақиқаларда ҳам руҳингни баланд тутишга ҳаракат қил.

● Бугунги кунинг мусибатли бўлса, бундан ҳам оғир пайтлар юз бергани, улар ҳам ўтиб кетганини ўйлаб, овунишинг керак.

● Донолар айтади: «Тарбияли хотинлар ҳар вақтда қаноатли бўлурлар. Қаноат — етишурлик миқдорига ёки хазинада топилғонига ризо бўлмоқ демакдир. Бу эса эркаклар учун ҳам, хотинлар учун ҳам энг гўзал бир сифатдир. Қаноатлик бир хазинадирки, ҳеч вақт камаймас. Етишур миқдорига ризо бўлмоғон кимса, ертўла бойлиги бўлса, ҳаргиз қаноат қилмас. Демак қаноатсизлик одам боласидаги бир хасталикдир. Ушбу сабаб учун қаноатсизлик ила мубтало бўлган кимса, охиратнинг тўғри йўлидан бир четкага чиқиб, кўп вақт адашиб қолур ва турмушнинг машаққатларига дучор бўлур. Қаноатсиз кишининг ҳожат нарсаси кўп ва кўзи очлиги чексиз бўлғонидан муродини ҳосил қилиш учун ҳам ёлғон сўзлар ила маддоҳлик қилур. Шунга кўра хотинларга эрларининг бор хазиналарига қаноат айламоқлик лозим бўлур.

Агарда одам боласи ҳар вақтда ўзидан бечора ҳолли кимсаларни кўриб турса ва ҳолидан яна бечора ҳолга тушуви мумкин эканини кўнглига келтурса, албатта борига қаноат этажакдир. Қўлига кирган молини эътибор ила тегишличагина сарф этган кимса ўзининг тирикчилигига ҳам рози бўлур, ҳам шукр қилур».

БАЙТ:

**Кулфатга тушганда**
**фақат битта йўл,**
**Ғамни ҳеч ўйлама,**
**тетик бардам бўл.**

● Ҳар кимнинг нафси уни чегарадан чиқариб юборса, бу унинг ўлимидур.

● Кишининг ўз нафсидан қочиши шердан қочганидан фойдалироқ.

ҲИКМАТ. Ҳар ким қайсар нафс куйига гирифтор бўлса, барча балолар остида хор бўлур.

● Тилни ғийбат ва бўҳтондан, ёмон сўздан асраш мардлар ишидир.

● Ғийбатга қулоқ солмоқ ҳам, ғийбатчилик ҳукмидадир.

● Ғийбат ва бўҳтон фосиҳлик аломатидир.

БАЙТ:

**Ёлғон бевиқор**
**қилур одамни,**
**Ёлғон шармандалар**
**қилур одамни.**

## ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## ЁЛҒОННИНГ ЧУВИ ЧИҚДИ

Ёлғончиликка ўрганган одам ишда ҳам, бекорчиликда ҳам ёлғон сўзлайвераркан. Бир неча йил муқаддам содир бўлган мана бу воқеа бунга мисол бўла олади.

Ўшанда бир хонада тўрт киши ўтирардик. Энг кичигимиз Олимхон яқинда сафимизга келиб қўшилган эди. Кўриниши соддагина бўлган бу йигит ишга янги келган бўлишига қарамай кўпинча турли сабабларни рўкач қилиб жавоб сўрайверарди.

Ишдан уйга қайтаётиб анчадан бери кўришмаган ҳамкасблардан бирини учратиб қолдик. Бироз суҳбатлашгач у шундай деди:

— Олимхон деган йигитни ишга олибсизлар деб эшитдим.

— Ҳа олдик. Нима эди?

— Ишқилиб эҳтиёт бўлинглар, ўзи ёш бўлса ҳам ўта ёлғончи. Алдовни сув қилиб ичиб юборганки, ҳар қандай одамни айтган гапига ишонтириб қўяди. Мана шу ёлғончилиги бошига етиб биздан ишдан кетди.

Олимхоннинг бўлар-бўлмасга ишдан жавоб сўрайвериши сабабини шунда тушундим. Эртасидан шунга қараб иш тутдик. Унинг жавоб ҳақидаги илтимосларини кўпинча рад этдик.

Бир куни барвақт ишга келиб ўтирсам, Олимхон кайфиятсиз, хомуш ҳолда хонага кириб келди. Биз билан сўрашмай стулга ўтирди.

— Ҳа, тинчликми? — сўрадим ундан.

Бирдан Олимхон кўз ёш тўкиб юборди.

— Нима бўлди ўзи, тушунтирсангчи ахир.

— Сўраманг ака, бошимизга оғир савдо тушиб қолди. Онажонимизни бериб қўйдик. Эрталаб Андижондан телефон қилиб қолишди.

Дарҳол унга таъзия изҳор этиб, тасалли берган бўлдик.

— Энди нима қилмоқчисиз?

— Уч-тўрт кунга рухсат берсангиз Андижонга кетаман. Онажонимни ўз қўлим билан қабрга қўймасам умрбод ўзимни кечиролмайман.

— Сизга рухсат. Ҳозироқ йўлга отланинг. Биздан нима ёрдам керак бўлса айтинг. Йўлкира, самолётга чипта дегандек...

— Ҳаммаси тайёр. Навбатдаги рейсга буюртма бериб қўйганман.

Олимхон ҳимматимиз учун раҳмат айтиб, тез чиқиб кетди. Ҳатто манзилини сўраб қолмаганимиз кейин эсимизга тушди.

— Чатоқ бўлибди-да, — деди раҳбаримиз бу нохуш хабарни биздан эшитиб. — Уни яккалатмаслик керак эди. Жамоанинг қандайлиги инсоннинг мана шунақа яхши-ёмон кунларида билинади. Лоақал манзилини сўраб олганларингизда орқасидан бўлса ҳам дафн маросимида қатнашиш учун бир кишини жўнатардик.

Хуллас ўзбошимча қилмишимиз учун бошлиғимиздан анча-мунча таъна эшитдик.

Эртасига хонамизга бир онахон кириб келди.

— Келинг она, — дедик унга ўтиришга жой кўрсатиб.

— Андижондан келганимга икки кун бўлди, — деди кампир уҳ тортиб. — Боламни қидириб юрибман. Бир йилдан бери уйга бормайди, ҳатто соғ-саломатлиги ҳақида икки энлик хат жўнатмайди. «Онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада», деб шунга айтсалар керак-да. Хавотир олиб келдим. Олдинги ишхонасига борсам, у ердан бўшаб кетган экан. Ўртоқларининг айтишига қараганда шу ерда — сизлар билан ишлаётган эмиш.

— Ўғлингизнинг оти нима?

— Олимхон, фамилияси Тошпўлатов.

Ана холос, энди бу қанақаси бўлди. Она ўғлини, жигарбандини қидириб юрса-ю, нобакор ўғил эса тирик онани ўлдига чиқариб шунинг баҳонасида истаган жойида дайдиб юрса.

Ҳақиқатни онага айтиб, кўнглини ранжитмадик.

— Овора бўлиб бекор келибсиз. Кеча ўғлингиз сизни кўргани Андижонга кетган эди.

Шундан кейин онага сабр қилишини, ўғли тезда қайтиб келишини айтдик.

— Майли, — деди онаизор таклифимизга кўниб, — шу ерда қариндошларим бор, ўшаларникида уч-тўрт кун турарман. Келишга келдим, энди бир йўла ўғлимни кўриб кетай. Олимхоним менинг бу ердалигимни отасидан эшитиб, тезда орқасига қайтса керак.

Онаизор ҳар куни келиб хабар олиб турди. Ўғил эса тез қайтмади. Орадан бир ҳафта ўтиб, у тушдан кейин ҳорғин хонага кириб келди. Ҳаммамиз билан бирма-бир кўришди.

— Ҳа, нима бўлди? — сўрадик ўсмоқчилаб.

— Кеча биринчи маросимларини ўтказиб қайтдим. Энди йиллари ўтгунча Андижонга тез-тез бориб туришимга тўғри келади-да.

Қарангки, шу пайт кутилмаганда онаизорнинг ўзи келиб қолса бўладими. Ўртадаги гаплардан бехабар кампир ўғлини қучди.

— Бормисан болам. Сени кутавериб кўзим тўрт бўлди-ку.

Олимхон карахт одамдек бир онасига, бир бизга қаради.

Эртасига у аризасига биноан ишдан бўшади.

## БЎЛМАГАНГА БЎЛИШМА

Болалар иқтидори ва қобилияти ёки уларнинг тарбиясига кечикиб киришиш ҳақида гап кетганда қуйидаги ҳикоят ёдимга тушади.

Қадим замонда бир катта савдогар ўғлини доно муаллим тарбиясига бериб шундай дебди:

— Менинг шу ўғлимни худди ўз фарзандларингиздек ўқитиб, яхши тарбия беринг. Хизматингизга яраша ҳақ тўлайман.

Муаллим фарзандлари ва бошқа талабалар қатори савдогарнинг ўғлига ҳам тарбия бера бошлабди. Аммо бола ялқов, дангаса, уқуви йўқ эди. Муаллим ҳар қанча ихлос қўйиб ўқитса ҳам, унда ҳеч бир ўзгариш, фазилатни кўрмади. Бошқа ҳамма талабалар иқтидорли бўлиб етишди. Буни кўрган савдогар муаллимга дўқ урди.

— Нега бурчингни адо этиб, ўғлимни ҳамма талабалардек яхши ўқитмадинг?

Муаллим шундай жавоб берди.

— Эй азиз инсон, билгинки, тарбия ҳаммага бир хилда берилади. Аммо иқтидори ва қобилияти бўлмаган бола ҳар қанча уринганинг билан уни ўзлаштира олмайди. Сизнинг ўғлингиз ҳам мана шундай болалар тоифасига киради.

Яна бир киши болаликдан таълим-тарбия кўрмаган ўғлини шу доно муаллим ихтиёрига бериб, унга яхши таълим-тарбия бериб доно қилиб беришини илтимос этди. Муаллим ёши анчага бориб қолган бу йигит билан суҳбатлашди ва унинг нодонлигини сезиб, йигитни олиб келган кишига шундай деди:

— Бу кишининг отасига бориб айтингки, унинг тарбиясига жуда кечикибди. Мен бу нодон йигитни доно қилгунча ўзим девона бўламан.

Қиссадан ҳисса чиқариш ҳар кимнинг эътиборига ҳавола.

## «КЎЗ БОЙЛОҒИЧ»

Автобусда бораяпмиз. Ҳайдовчи олдида тик туриб олган чиптачи йигит бекатларда салонга чиқиб тушаётган йўловчиларга чипта тарқатиш ўрнига гап сотиш билан овора. Лекин у ҳар бекатда пастга тушиб, олди орқа эшикдан тушаётганлардан йўл ҳақи талаб қилишни унутмайди. Ойлик карточкаси йўқлардан 150 сўмдан санаб олади-ю, лекин уларга чипта бермайди. Унинг бу қилиғидан ранжиб ўтирган бир аёл йигитга гап қотди.

— Ҳой ука, ҳадеб ўзингизни қийнаб бўзчининг мокисидек пастга тушиб чиқавермай ундан кўра салон бўйлаб юриб йўловчиларга чипта тарқатсангиз бўлмайдими?

Бу гапдан чиптачининг энсаси қотди, қошлари чимирилди.

— Сизнинг нима ишингиз бор, — деди аёлни жеркиб.

— Нега ишим бўлмасин. Бу қилмишингиз билан биринчидан озмикўпми йўловчиларнинг вақтини олаяпсиз. Шундай иссиқ кунда сиз чипта пулини бамайлихотир йиққунингизча машина туриб қолиб бу ёқдагилар терга ботишяпти. Иккинчидан, чиптасиз йиғилаётган кира ҳақи қайси чўнтакка тушишини ҳам яхши биламиз.

— Билиб-билмай гапираверманг опа. Чиптам тамом бўлган бўлса, нима қилай. Бу шахсий автобус эмаски, текинга хизмат қилса. Шундай бўлгач, кира ҳақини талаб қилишга ҳаққим бор-да.

— Йўл ҳақи тобора ошиб бораяпти. Пуллик режа бажарилмаяпти, деб жар соласанларда, ўзларинг чиптам йўқ деб йўловчилардан пул йиғиштириш билан овора бўласанлар. Бу йиғилган пулларнинг ҳаммаси туя қилинмай, давлат ҳисобига ўтганда балки йўл ҳақи бунчалик ошмаган бўлармиди, — деди аёлнинг ёнида ўтирган кексароқ киши.

— Сизлар кўпчилик, мен бир кишиман. Хоҳлаганча оғизга келганини гапириб талайверасизлар.

Навбатдаги бекатда автобусга назоратчи чиқди. Уни кўриб чиптачи ғимирлаб қолди. Дарҳол бўйнига сумкасини осиб салон бўйлаб ҳаракатга тушди. Назоратчи бирма-бир юриб ким чипта олган, олмаганлигини суриштирди. Табиийки, йўловчиларнинг бирортасида ҳам чипта йўқ эди. Улар назоратчининг сўровига бор гапни айтишди.

— Мана чипта. Олдингизга энди кетаяпман-ку ахир, — уларнинг жавобига эътироз билдирди чиптачи.

— Вой тавба. Ҳозиргина чиптам тамом бўлди деб тургандинг болам. Нима бало, кўз бойлоғичмисан. Бир зумда йўқ чиптани бор қиладиган.

Йўловчи чолнинг бу гапига салонда дув кулгу кўтарилди.

## УЛКАН КЕМА

**Мутахассислар фикрича, шу пайтга қадар ёруғ оламда яшаб ўтган одамларнинг сони саксон миллиарддан ошади. Уларнинг олти миллиарддан кўпроғи бизнинг замондошларимиздир.**

Маълумотларга кўра, бундан ўн етти минг йилча муқаддам, яъни палеолит даврининг охирларида Ер юзида бор-йўғи уч миллион киши яшаган. Неолит даврида уларнинг сони эллик миллионга етган.

Милоднинг бошларида аҳоли сони 230 миллион кишини ташкил этган бўлса, орадан минг йил ўтиб, ўн-ўн биринчи асрларда бу рақам атиги бир неча миллионга ўсган, холос. Ўрта асрлардаги паст турмуш даражаси, муттасил давом этган урушлар аҳоли сонининг ўсишига жиддий таъсир кўрсатган.

Дунё аҳолиси биринчи миллиардлик чўққини ўн тўққизинчи асрнинг олтмишинчи йилларида забт этганди. Йигирманчи аср бошларида сайёрамизда 1 миллиард 600 миллиондан кўпроқ киши истиқомат қилган.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмида аҳолининг ўсиш суръати ўта тезлашиб кетди. Айни пайтда Хитой /1300 млн./, Ҳиндистон /1017 млн./, Индонезия /206 млн./ каби мамлакатлар нуфузи жиҳатидан етакчи ўринларда туради.

Дунё аҳолиси сони ҳозир ҳам ўсиб бормоқда. Бу рақам ҳар йили ўртача 90-100 миллион нафарни ташкил этади. Бу салкам Покистон ёки Бангладеш аҳолиси сони билан тенг. Айниқса, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси ҳудудида туғилиш даражаси юқори.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига кўра, ўсиш даражаси ҳозиргидек давом этса, уч юз йилдан кейин Ер шарида 134 триллион /!/ киши яшайди. Бу аҳолининг ҳозирги сонига нисбатан қарийб йигирма икки минг баравар кўп демакдир.

Бироқ, бу тахмин, холос. Статистик маълумотларга кўра, аҳоли сони тўққиз миллиардга бориб тўхтайди ва ўзгаришсиз қолади.

Бугунги кунда аҳолининг кўпайиши билан боғлиқ демографик муаммолар дунё жамоатчилигининг диққат марказида турибди. Ўз-ўзидан маълумки, дунёга келган ҳар бир инсоннинг нормал ҳаёт кечириши давомида қанчадан-қанча табиий ва сунъий омиллар керак бўлади. Озиқ-овқат, кийим-кечак, турар-жой ва ҳоказо. Демографик ўсиш эса бу омилларнинг танқислигига олиб келади.

Ҳозир дунё аҳлининг бешдан бир ҳиссаси истиқомат қиладиган Хитойда бу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Кейинги йилларда Ҳиндистон ҳукумати ҳам «демографик портлаш»нинг олдини олиш чораларини кўрмоқда. Европанинг кўпгина мамлакатларида, Россия ва Японияда эса туғилишнинг кескин камайиб бораётгани ҳукуматни жиддий ташвишга солаётир.

Маълумотларга кўра, ҳар сонияда ўртача тўрт нафар чақалоқ дунёга келади. Демак, биз бу хусусда сўз бошлаганимиздан бери юзлаб гўдаклар дунё юзини кўрди.

**Рустам ЖАББОРОВ,**
**Ҳамза АБДУЛЛАЕВ,**
**(ЎзА)**

*Муносабат*

## ҲАМРОҲИМИЗ ЯХШИ ҚЎШИҚ БЎЛСИН

**Инсон ҳаётига файз ва зийнат улашувчи, умр бўйи ҳамроҳ бўлувчи яхши қўшиқ, ўлмас мусиқадир. У инсон қалбига шундай чуқур кириб борадики, гоҳида руҳимизни кўтариб, бахт улашади, гоҳида эса дилимизни жунбушга келтириб кўзимизни ёшлатади.**

Ҳар бир мусиқий асарнинг ўз тингловчиси, мухлиси бор. Кимдир мумтоз куйга қизиқса, бошқалар замонавий қўшиқларни афзал кўради. Кўпчилик ёшлар радиога хат йўллаганларида замонавий қўшиқларни эшиттиришни сўрайдилар. Албатта, ёшликка жўшқинлик хос. Бироқ гап ҳар қандай турдаги қўшиқни тинглашда эмас, балки қандай мазмундаги қўшиққа иштиёқмандликдадир.

Эътибор берган бўлсангиз, сўнгги пайтда жуда кўплаб хонандалар пайдо бўлмоқда. Уларнинг сони кун сайин эмас, балки соат сайин ўсиб бораётганга ўхшайди. Бу муаммонинг биргина жиҳати. Агар мана шу «хонандаларнинг» қўшиқлари теран мазмун ва дилларга яқин куйга эга бўлганда эди, бу масала муаммо даражасига кўтарилмаган бўларди. Ажабланарли жиҳатлардан яна бири, бу кетишда ўзбек эстрадаси чет эл эстрадалари олдида ўзининг муносиб ўрнини йўқотиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Мана шу ҳолат мени қўлимга қалам олишга ундади.

Энг ачинарли томони, ҳеч қандай мазмуни йўқ, мусиқаси эса худди ўн беш сонияда яратилганга, аниқроғи кўчириб олганга ўхшаш ёқимсиз қўшиқлар кунда эфир юзини кўраяпти.

Фикримга далил сифатида Тошкент шаҳри ва яқин вилоятларга хизмат кўрсатадиган «Ойнаи жаҳон»нинг 30-канали орқали намойиш этилаётган клипларга келсак. Куни кеча кўрган клипдан лол ҳайратда қолдим. Ушбу «хонанданинг» исми-шарифини баён этмасам ҳам қуйидаги белгилар орқали уни таниб олишингиз мумкин. Аввало клипнинг орқа фонини ташкил қилаётган икки қизнинг «рақсига» эътибор берсак. Уларда на ҳавас қиладиган ёқимли миллий рақс ҳаракатлари бор, на замонавий, жозибали рақсдан дарак бор. Бу ҳам етишмагандек, уларнинг эгнида либослар ўрнини ёқимсиз ва дидсиз шимлар ва футболкалар эгаллаган. Ашуланинг оҳанги эса тўғридан-тўғри рус эстрада хонандаси Валериянинг «Часики» ашуласидан кўчирилган.

Ҳақиқат аччиқ бўлса-да, уни тан олиш керак. Юқоридаги каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Аммо мақсад бундай қўшиқларни танқид қилишдан кўра, биз уларнинг ўрнини чуқур мазмунли, мусиқаси эса нозик дид билан яратилган нодир мусиқий асарлар эгаллашини истар эдик.

**Нозима АҲМЕДОВА**

**Чилонзор туман ҳокимиятида туман Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуаси ҳамда туман хотин-қизлар қўмитаси томонидан қизиқарли давра суҳбати ўтказилди.**

*Тадбирлар*

## ЎРИНЛИ МУЛОҲАЗАЛАР БИЛДИРИЛДИ

Таъкидлаш жоизки, ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг ижросини таъминлаш масалаларига бағишланди.

Тадбирда туман ҳокими Ҳусниддин Маҳкамов, Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг проректори Гулчеҳра Охунова сўзга чиқиб, хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида диний маърифат ва маънавий тарбиянинг ўрни ҳақида тўхталиб ўтдилар.

Ушбу тадбирда шунингдек, хотин-қизларнинг аҳлоқий-ҳуқуқий маданиятини замон руҳида шакллантиришнинг моҳияти хусусида ҳам сўз борди.

Фармон ижросини таъминлаш борасида маҳаллалар билан баҳамжиҳат иш олиб бориш яхши самара беради, албатта. Бу хусусда маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар комиссиялари раисалари ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

**Дилноза АХМЕДНАЗАРОВА**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР | ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**ҲАМКОРБАНК**

*АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!*

***Ҳамкорбанк хорижий валютада янги омонат турини таклиф этади.***

**«ТАҚДИМ ЭТУВЧИГА»**

***деб номланган ушбу омонат 3 ой муддатга қабул қилиниб, даромадини йиллик 15 % гача — АҚШ долларида, 18%гача — сўмда олишингиз мумкин.***

***Омонат сир сақланиши кафолатланади.***

***Шошилинг, бу имконият фақат 20 июлгача.***

***Мурожаат учун тел: (8-3712) 45-62-33, 45-76-58.***

***ҲАМКОРБАНК — Сиз учун ишончли ҳамкор !***

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманидаги 278-ўрта мактаб томонидан 2003 йилда Алимов Рамз Гафурджанович номига берилган O'R-A № 1425857 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент вилояти, Қуйи Чирчиқ туманидаги 23-ўрта мактаб томонидан 1998 йилда Ким Евгений Феликсович номига берилган O'R-B № 040534 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**“ИШЛАБ ТОП!”**

**Жаноб тадбиркорлар ва муҳтарам корхона раҳбарлари!**

Биз навқирон, иқтидорли, ғайратга тўла ёшлармиз. Бизга фақат Сизнинг тажриба ва кўмагингиз етишмаяпти. Ғайрат ва тажрибани бирлаштириш вақти келди. Чунки бу — муваффақиятга олиб борувчи энг қисқа йўл.



KAMOLOT TOSHKENT SHAHAR BO'LIMI



Тошкент шаҳар “КАМОЛОТ”и тадбиркорларга “Ишлаб топ” ижтимоий акциясида фаол иштирок этиб, ёшлар учун мавсумий иш ўринларини тақдим этишини таклиф қилади.

Қўшимча маълумотларни

137-72-20, 137-72-21

телефон рақамлари орқали алоқа марказидан олишингиз мумкин.

Ёки ушбу вебсайтлардан акция ҳақидаги ахборотга эга бўлишингиз мумкин:

www.tashkentkamolot.uz
Www.2oxygen.com
www.kvn.uz

Акцияда қатнашган тадбиркорларга “Тасвир” нашриёт уйининг барча нашрларида реклама жойлаштириш учун имтиёзлар берилади.

**Тошкент шаҳридаги барча алоқа бўлимларида телефон хизмати учун ойлик абонент ҳақи ҳамда шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувлари бўйича тўловлар қабул қилинади.**

**«Тошкент почтамти» АЖ**

## «02» Ҳодисалар

**• Одамлар орасида ўзгаларнинг мол-мулкига кўз олайтирадиган нопок кимсалар ҳам учраб туради. Бу тоифага мансуб шахсларнинг қинғир қилмишлари натижасида беайб фуқаролар моддий ва маънавий зарар кўриб қоладилар. Аммо ҳар қандай қинғирликнинг умри калта бўлганидек, жиноятнинг ҳам бир кун албатта барҳам топиши аниқ.**

Шайхонтоҳур тумани ИИБ навбатчилик қисмига Анҳорбўйи кўчаси 4-уйда истиқомат қилувчи фуқаро Е.Мамитовнинг хонадонида ўғирлик содир этилганлиги тўғрисида хабар етказилди. Воқеа жойида зудлик билан ҳозир бўлган тезкор-тергов гуруҳи вакилларининг кўрган чора-тадбирлари натижасида жиноят қисқа фурсатлар оралиғида очилди. Маълум бўлишича, ўйлаган ғаразли мақсадини амалга ошириш учун ушбу хонадонга калит танлаш йўли билан кирган шахслар Бобур кўчасида яшовчи, бирор жойда ҳалол меҳнат билан шуғулланмайдиган И.Умиджон ва унинг ҳамтовоғи - «Оқтепа» мавзесида истиқомат қилувчи Х.Комиллар экан. Эндиликда бу икки оғайни ўзгага тегишли хонадондан «Самсунг» русумли телевизорни ўғирлаганликлари учун қонун олдида жавоб беришади.

**• Чилонзор туманида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Алижон деган йигитча ҳам ўзи сингари бирор жўяли ишни хуш кўрмайдиган Сергели туманилик шериги Абдурасул билан ана шундай қалтис бир ишга қўл урдилар.**

Икковлон Чилонзор тумани, 2-мавзеда жойлашган 19-уйнинг 37-хонадони эшиги қулфини бузиб киришиб, хонадон соҳибаси, нафақахўр Н.Осминага тегишли «JVC» русумли телевизор ҳамда 200 АҚШ долларини ўмариб кетганлар. Аммо ҳар қандай ножўя ҳаракатнинг охир-оқибати сўнги пушаймон билан тугашини англаб етмаган бу «шоввозлар» ҳам бугунги кунда қилмиши фош этилгач, афсус-надомат чекиб қолдилар.

**Самариддин ХАЛИЛОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ**
**Матбуот маркази**
**инспектори.**

*Фестиваллар*

# ЁЗНИ «КАМОЛОТ» БИЛАН ЎТКАЗ!

**Ёз фаслини барча болакайлар орзиқиб кутадилар. Чунки бу пайтда ёзги оромгоҳлар ширин-шакар болакайларни ўз бағрига олади. Шубҳасиз, бу ерда болажонлар таътил кунларини мароқли ўтказадилар. Жумладан, оромгоҳларда ташкил этиладиган турли хил тадбиру мусобақалар вақтнинг мазмунли ўтишини таъминлайди.**



Яқинда шаҳримиздаги Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасида «Ёзги «Камалак» — 2004» фестивали ўтказилди.

Тадбир Тошкент шаҳар «Камалак» болалар ташкилоти фаолиятини такомиллаштириш, шаҳримиздаги оромгоҳларда ҳордиқ чиқараётган болаларни қўллаб-қувватлаш, энг чаққон ва моҳир ёшларни рағбатлантириш, қолаверса, вақтни мароқли ўтказишлари учун уюштирилди. Мусобақа «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши, унинг ҳомийлигидаги «Камалак» болалар ташкилоти, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси, Тошкент шаҳар ўқувчилар ижодиёти маркази томонидан ташкил этилди.



Эътиборли томони шундаки, фестивалда пойтахт умумтаълим мактаблари қошида очилган ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида ташкил топган гуруҳларнинг туман босқичи ғолиблари, жами 800 га яқин кичи қатнашди.

Фестиваль олти шарт бўйича ўтказилди. Болаларнинг ҳам жисмоний, ҳам ақлий маҳоратлари намоён бўлган фестивалда «Асфальтга чизилган расмлар музейи», «Умид ниҳоллари», «Энг меҳрли расм», «Мусиқали калейдоскоп», «Кроссвордчилар чемпионати», «Болалар гиёвандликка қарши» каби шартлар бўйича беллашувлар ўтказилди.

Биринчи шарт бўйича болалар жонажон шаҳримизни ёрқин ранглар остида тасвирлашди. Иккинчи ва учинчи шартларда спорт мусобақалари, яъни, енгил атлетика, арқон тортиш, қувноқ стартлар каби ўйинларда куч синашдилар. Шунингдек болажонларнинг ёмон иллатларга қарши соф ҳис-туйғулари уларнинг расмларида акс этди. Зеро, бола нигоҳида ҳаёт мусаффо ва беғубордир. «Мусиқали калейдоскоп» шарти бўйича санъатга меҳри улкан, истеъдодли болажонлар қатнашдилар. «Кроссвордчилар чемпионати», «Болалар гиёвандликка қарши» каби шартда болаларнинг аср вабосига қарши муносабатлари намойиш этилди.

Биринчи шарт бўйича биринчи ўрин Ҳамза туманига, иккинчи шарт бўйича Сергели туманига, учинчи шарт бўйича биринчи ўрин Миробод туманига, тўртинчи ва бешинчи шарт бўйича Сергели ва Собир Раҳимов туманларига насиб этди.

**Юлдуз УСМОН**

**СУРАТЛАРДА: Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган ёзги «Камалак» — 2004» фестивалидан лавҳалар.**
**Владимир Гранкин олган суратлар.**

*Бўш вақтингизда*

# ТОПШИРИҚЛИ АЙЛАНМА СКАНВОРД

**Азиз оқшомхон! Айланма сканворд жавоблари асосида шаклнинг остки қисмидаги айланмаларда берилган рақамларни ҳарфлар билан алмаштириб халқимизга мансуб мақолни билиб олинг.**

**Тузувчи**
**Фозилжон ОРИПОВ**




### Газетанинг шу йил 11 июнь ойида берилган кроссворднинг жавоблари

**Энига:** 5. Кошин. 6. «Дугоҳ». 10. Крузо. 11. Танкер. 13. «Онажон». 15. Аҳвол. 17. Елкан. 21. Лайнер. 23. Огаҳий. 25. Скотт. 27. Қасам. 28. Укпар.

**Бўйига:** 2. Мискар. 3. Бухоро. 7. Фишер. 8. Кусто. 9. Орипов. 12. Коҳин. 14. Арафа. 18. «Замон». 19. Булоқ. 20. Минус. 22. «Рустам». 23. Оптика.

**Белгиланган хонадан соат мили йўналишида рақам атрофига:** 16. Волейбол.

**Ёйлар бўйича:** 1. Тортиқ. 4. Зоғора. 24. Мерган. 26. Туршак.

### Муаммонома

**Очқич сўзлар:** 1. Ҳинд. 2. Сўм. 3. Гекла. 4. Низом. 5. Шош. 6. Қубба.

**Ҳикмат:**
**Беҳуда кишига**
**қасд қилмоқ.**
**Беҳуда ўзни ҳалокка**
**солмоқ.**



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 2812 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-809. 1 2 3 4 6